

Депутат ва ҳаёт

ХАЛҚ ВАКОЛАТИ КАТТА КУЧ

— Олдинги сайловдан буён ўтган мuddатда фуқароларни қабул қилиш пайтларингиздаги кузатишларни жамлаб, умумлаштириб, одамларни қизиқтирган муаммолар ҳақида умуман нима дея оласиз?

— Кузатишлардан хулоса шуки, одамларда мустақил ҳаётимиздаги ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси кучайиб борапти. Қишлоқларимиз, маҳаллаларимиз обод бўлиб, янги-янги гузарлар барпо этилаётгани, катта-кичик корхоналар, савдо, сервис ва маиший хизмат шохобчалари ишга тушайотгани ҳамма-ни қувонтиради. Бундай ютуқларни кўпайтириш, уй меҳнати билан шуғулланиб, тирикчилиги яна ҳам яхшилашга руҳлантиради.

Партияимиздан туман кенгашига сайланган депутатлар ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишга муайян ҳисса қўшаётди. Туман кенгаши доимий комиссиялари қончилигининг амалга оширилиши устидан мониторинглар ўтказиш, ижро назорати масалалари билан тобора изчил шуғулланаётди.

Лекин, одамларни ташвишга солаётган муаммолар ҳам оз эмас. Чунончи, ўтган сайловдан буён ўзим сайланган округ ҳудудидagi маҳаллалар аҳолисида олинган ариза ва муносабатномаларнинг асосий қисми йўл ва кўчалар тобора яроқсиз холга келиб қолаётгани, базис маҳаллий бошқарув идоралари — фуқаролар йиғинлари фаолиятидаги қонунбузарлик ҳоллари, бошбошдоқлик ва ўзбошимчиликлар ҳақида. Муносабатларнинг аксариятида савдо, маиший хизмат ва халқ таълими соҳаларидаги камчиликлар ҳам тилга олинган.

— Гулчехра Абдухалиқова, ба масалаларни ҳал қилиш имкониятлари етарлими?

— Халқимизнинг бир ибратли накли бор: "Ишлашни истаган имкон қидиради, истамаган эса, баҳона" дейишди. Айтмоқчиманки, ечимсиз муаммо бўлмайди. Гап фақат қонун асосида иш юритишда, маҳаллий ҳокимият бош-

(Давоми. Боши 1-бетда).

қаруви, ҳўжалик ташкилотлари раҳбарларининг хайрихоҳлигида, ўз вазифасига нечоғлик виждонан ёндошишида.

Сайловчиларнинг ариза ва муносабатномаларида кўтарилган масалаларни ойдинлаштириш ва ҳал этиш учун турли вазиятларга тушаман, ҳатто, судларда ҳам қатнашаман. Шу муносабат билан бир-икки воқеани эслаб ўтиш ўринли. Шикоятни ўрганиб, бир гал ўқотиш машқлари ўтказилади. Майдон ёнидан чиқиб қолдим. Буни қарангки, бу муассаса аллақачон бошқа жойга кўчирилиши режалаштирилиб, у ерлар фермер ҳўжалигига бириктириб берилган экан. Лекин мутаассадди идоралар масалани ҳал этишни пайсалга солиб юришган. Охири фермер муносабатнома ёзишга мажбур бўлган. Табиийки, туман ҳокимининг аралашуви билан бу масала ҳал этилди. Машқ жойи ўзгаририлди.

Ёки бошқа бир мисол. Бу ҳам жиддий, фермерлар ишлаб чиқараётган маҳсулотни кўпайтиришга тўғон бўлган масала. Бугун ўрмидан кейин кўпалаб фермер ҳўжалиқларимиз катта-катта майдонларга кечки картошка экишади. Жумладан, "Абдурашид ота бўстон" фермер ҳўжалиги ҳам бир фирмалар шартнома асосида дизере, маранка нав уруғлиги олиб, далага эккан. Лекин уларнинг униб чиқши даражаси нисбатда паст бўлиб, фермер ҳўжалиги катта моддий зарар кўрган. Табиийки, фермер ўзига етказилган моддий зарарни ўндириб олишда ёрдам беришни сўраб муносабат этиди.

Масалани ўрганиш жараёнида, умуман, туманида 28 та фермер ҳўжалиги шу ташкилот етказиб берган уруғлик картошкани экиш оқибатида кўп миқдорда зарар кўргани маълум бўлди. Баъзи майдонларда уруғлик 20-30, ҳатто, 5-10 фоиз униб чиққан, холос. Туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими мутахассислари, Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти олимлари иштирокида бу масала чуқур

ўрганилиб, лозим даражада ҳужжатлаштирилган, қўрилган зарар ўндирилди.


Дўстлик қишлоғидаги 2-мактаб директори А. Абдурашидовнинг аризасида кўтарилган масала ҳам нисбатда долзарб. Бу мактаб 2004-2009 йилларда халқ таълимини ривожлантириш давлат дастури доирасида 2006 йили капитал реконструкция қилинган. Ушанда компьютер таълими хонаси махсус мебеллар билан тўла жиҳозланган. Бироқ, директорнинг муносабатномасидан маълум бўлишича, 2009 йилнинг март ойигача компьютер ва унинг мажмуи-га кирувчи қисмлар мактабга берилмаган. Туман халқ таълими бўлими амалий чора кўрмаган. Икки йил давомида ўқувчилар компьютер таълимидан баҳарга қолишган.

— Сайловчиларнинг шу сингари долзарб муаммолар билан муносабат этишлари депутатлик фаолияти нуфузли эканлигини тасдиқлайди, албатта. Лекин уларнинг ижроси ҳаммаша ҳам силлиқ бормайдиган бўлса керак?

— Албатта-да. Гоҳида маҳаллий бошқарув идоралари билан "олишув" нисбатда кескин кечади. Олдинги-на масалани ҳал қилишни оилаб, йиллаб пайсалга солиш ҳолларига бот-бот дуч келамиз. Шундай пайтларда шахсан ўзим қонунга таяниб иш кўраман. Албатта, ҳар бир масалада халқ депутатлари туман кенгаши, ҳокимликнинг қўллаб-қувватлаши қанчалик муҳимлигини сезиб тураман. Афсуски, айна шу ўринда ваъдабозлик, пайсалга солиш ҳолларига бот-бот дуч келамиз.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилда биз, депутатларнинг фаолияти-мизга ўзгача талаблар қўйилапти. Қишлоқларнинг ободончилиги, янги иш жойларини очиб, фермер ҳўжалиқлари фаолиятини қонун асосида ташкил этишга таллуқли муносабатларни ҳал қилишда бевосита жамоатчиликнинг, маҳаллий бошқарув идоралари ва ҳўжалик ташкилотларининг ёрдамига таянмоқдамиз.

"Тошкент ҳақиқати" мухбири Жўра СЎДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.



МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН БЕЖИРИМ МАҲСУЛОТ

Зангиота туманидаги "Элита глобал пласт" масъулияти чекланган жамияти иш бошлаганига эндиgina бир йил бўлди. Шунга қарамай, уй-рузгор ва маиший буюмлар ишлаб чиқариш бўйича яхшигина тажриба орттирди.

Хозир бу ерда 50 турдан зиёд бир-биридан бежирим маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Ўзтиборлиси

шуки, бу маҳсулотлар юз фоиз ўзини-мизинг хом ашёдан тайёрланапти. Корхона маҳаллий аҳолидан 15 кишини иш билан таъминлади.

СУРАТААРАА: ишчи

Рафис Собитов ўзига топширилган ҳар қандай вазифани сиқиб-биридан бежирим маҳсулотлар ишлаб чиқаришга одатланган. Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАР — АМАЛДА

Мамлакатимизда маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телекоммуникация, телевидение, радиоалоқа ва маълумотлар узатиш йўналишлари бўйича қатор лойиҳаларни амалга оширишда "Алоқалойиха" давлат унитар корхонаси фаоллик кўрсатмоқда.

"Тошкент — Олмалик — Бетегелек — Қўқон" рақамли радиоредакция линиясини кенгайтиришга қаратилган инвестицион лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилди. "Ўзбектелеком" компанияси буюртмаси бўлган бу лойиҳа технология ва муҳандислик қўрилмаларини ўрнатиш имконини беради. Акбар АЛИЕВ.

Қиш мавсумига тайёرمىсиз?

Ёзнинг иссиқ кунлари ортда қолиб, кузнинг салқин шабадалари эса бошлади. Хадемай, оппоқ этагини судраб қиш ҳам қириб келади. Шунинг нозарида тутиб, халқ ҳўжалигининг ҳамма тармоқларида куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўришга аллақачон киришилган. Айтиш жоизки, "Ўзтрансгаз" акциядорлик компаниясига қарашли Тошкент магистраль газ қувурлари бошқармаси (МГКБ) ҳам бундан мустасно эмас. Зеро, қишнинг қаҳратон соғуғида у ёки бу ерда юз берган аварияларни бартараф этишда қийналиб юргандан кўра, қузнинг илқ кунларида ҳудуддаги газ қувурлари ва газ тақсимлаш станцияларидаги аҳолини бир кўр кўздан кечириб, лозим бўлса, таъмирлаб, сошлаб қўйган маъқул, албатта.

Бошқарманинг тасаруфиди 892 километрдан зиёд масофада газ қувурлари ҳамда 40 та газ тақсимлаш станция (ГТС)лари мавжуд бўлиб, шундан 30 таси бевосита Тошкент вилояти ҳудудига жойлашган. ГТСлар вилоятнинг табиий газга бўлган талаб-эҳтиёжини тўла қон-

диришни таъминлаш, шунингдек, куз-қиш даврида табиий газ яхши етиб бормайдиган узоқ ва чекка ҳудудларда газ босимини етарли даражага кўтариб берилишини "Ўздавнефтегазинспекция"нинг вилоят

"Ўздавнефтегазинспекция" ўз йўналишлари бўйича бир қатор камчиликларни кўрсатиб ўтган эди. Бу нуқсонлар ҳозирги кунда тўла бартараф этилган. Умуман, МГКБ газ тақсимлаш станциялари ҳамда магистраль

табиий газ танқис бўлиши кутилаётган ҳудудларда 35 минг 636 та хонадон мавжуд бўлиб, уларга 1568 тонна суьютрилган газ ажратилган. Бу газларнинг хонадонларга вақтида етказиб берилишини ҳам бўлимининг ҳодимлари назорат қилиб боришапти.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорига мувофиқ, автомобильлари экологик тоза ёқилги — суьютрилган газга ўтказиш ва уларни узлуксиз таъминлаш мақсадида 2009 йилда 15 та автомобилларга газ тўлдирши шохобчалари (АГТШ) қуриш режалаштирилган эди. Бугунги кунгача 6 та шохобча қуриб бектазилди. 9 тасида эса, қурилиш-монтаж ишлари тугатилиш арафасида. Шунингдек, 2009 йил режасига вилоят бўлими ҳодимлари мунтазам назорат қилиб бормоқдалар.

Маълумки, табиий газ ҳали етиб бормаган хонадонларнинг баллонли (суьютрилган) газ билан таъминланишини назорат қилиш инспекция-мизнинг муҳим вазифаларидан бири 2009-2010 йил куз-қиш даврида

ГТСлар ва шаҳар ҳамда туман газ таъминоти ташкилотлари ўз назоратига олган.

Вилоят ҳокимининг режа-топширигига мувофиқ, фавқулодда вазиятлар ҳамда ёнғин хавфсизлиги бошқармалари, "Саноконтехназорат" ва "Ўздавнефтегазинспекция"нинг вилоят бўлими ҳодимлари ҳамкорлигида МГКБга қарашли ГТСлари ҳамда магистраль газ қувурлари ҳолати бевосита жойларга чиқиб ўрганилмоқда. Жумладан, ана шундай текширувлардан сўнг

газ қувурларини 2009-2010 йил куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича мuddатлари аниқ белгилаб қўйилган иш режаси ишлаб чиқилган. Унинг айна кундаги ижросини "Ўздавнефтегазинспекция" вилоят бўлими ҳодимлари мунтазам назорат қилиб бормоқдалар.

Маълумки, табиий газ ҳали етиб бормаган хонадонларнинг баллонли (суьютрилган) газ билан таъминланишини назорат қилиш инспекция-мизнинг муҳим вазифаларидан бири 2009-2010 йил куз-қиш даврида

Дил изҳори

ШИРИН МУОМАЛА ҲАМ МУОЛАЖА

Коксалик ҳам аслида касаликдир, деганлари рост экан. Ёш ўтган сари кекса танинган касаликларга бардоши сусаяркан.

Мени нафас қисиси ва каттиқ бош оғриғи билан Бўка тумани марказий шифохонасининг анестезиология ва реанимация бўлимига олиб келишди. Убайдулла Мамадалиев ва Илхом Сатторов каби маҳоратли шифокорларнинг муолажалари, беморларга эътибор ва ғамхўрликлари билан бир қаторда шифохонанинг ички касаликлар бўлимига ўтказишди.

Бетоб бўлсанг, яқинларинг кўз олдидан бирма-бир ўтиб, қимнингдир бир оғиз ширин сўзига интилар, қим биландир суҳбатлашиб, дилнинг ёнғин келар экан. Шундай вақтларда бағри кенг, меҳр-муруватли, ўз касбига садоқатли шифокор ҳамшираларнинг беморларга марҳамат кўрсатишлари кишига хуш оғайиб. Зеро, ўн кун ичида соғайиб, фарзандларим ва

набираларим бағрига қайтишида Рустам Тўхтабоев, Тўлкинжон Қўлмовадек шифокорлар, Моҳиша Элбоева, Саодатхон Бердиевадек ҳамшираларнинг ёрдами-ри катта бўлди.

Ўзимиз кўриб, ҳис қилиб турибмиз, малакали шифокорлар меҳнатини қадрлаб, уларнинг аҳолига тез ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатишлари учун нафақат вилоят, шаҳар ва туманлар марказлари, балки, энг чекка қишлоқларда ҳам барча қулайликларга эга шифо муассасалари барпо этилган. Менга самимий муомалада бўлиб, малакали тиббий хизмат кўрсатган шифокор ва ҳамширалардан, замон талабларига жавоб берадиган шифохоналарда даволаниш имкониятини яратиб қўйган ҳукуматимиздан жуда миннатдорман.

Анзират ОКҚУЛОВА, пенсияер.

ТАХРИРИЯТДАН:

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2008 йил 2 феврал сонидида "Одамий шеваси" руқни остида мухбир Сайёра Рихиеваннинг "Ҳақиқат борми?" сарлавҳали мақоласи эълон қилинган эди. Фуқаро У. Носированинг ўз муносабатига кўра, оилавий муаммолари асосида тайёрланган мақоладаги айрим фикр-мулоҳазалар ўз тасдиқини топмаганини сабабли "Тошкент ҳақиқати" газетаси тахририяти ва муаллиф С. Рихиева У. Носировадан уэр сўрайди.

ИННОВАЦИЯЛАР — КИЧИК БИЗНЕСГА

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилаётган Инкиррозга қарши чоралар дастурида мамлакатимиз ва хорижда хариддор бўлган, юқори сифати билан ажралиб турадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва кенгайтириш муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган.

Дастурда кўзда тутилган устувор вазифалардан бири ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификациялаш билан бир қаторда, нафақат жаҳон молиявий-иқтисодий инкиррозининг Ўзбекистон иқтисодиётига салбий таъсирини камайтириш, балки келажақда жадал ривожланиш учун янги истикболлар очиб берадиган инновация технологияларини кенг жорий этишдир.

Жорий йилнинг биринчи сентябрдан мамлакатимиз хусусий секторига бир қатор янги лойиҳалар амалга оширила бошлади. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришнинг мувофиқлаштириш қўмитаси маълумотларига кўра, II-Республика инновациялар, технологиялари ва лойиҳалари ярмаркасида кичик бизнес учун мўлжалланган 50 та маҳаллий ишланма танлаб олинган эди. Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Савдо-санаят палатаси, Фан ва технологияларни ривожлантиришнинг мувофиқлаштириш қўмитасининг етакчи ҳодимларидан иборат Комиссия, мамлакатимиз олимлари жалб этган ҳолда, танлов ўтказди. Натижада 19 лойиҳадан иборат кичик инновация дастури ишлаб чиқилди. Дастурдан кўзда тутилган асосий мақсад Ўзбекистонда кичик ишлаб чиқариш тармоқларида янги технологияларни жорий этишдан иборат.

Ишланмаларни қўллаш кўлами кенг бўлиб, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш, фармакология ва иқтисодиёт реал секторининг бошқа со-

ҳаларини ўз ичига олади. Лойиҳаларга қўйилаётган асосий талаблар — маҳаллий хом ашёдан маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш, энергия ва ресурсларни тежасли таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш. Аҳамиятли жиҳати шундаки, лойиҳаларни амалга оширишда нафақат академик институтлар, олий ўқув юрталари ва конструкторлик бюрослари, балки хусусий тадбиркорлар ҳам иштирок этмоқда.

Тақдим этилаётган ишланмаларга талабни ўрганиш натижасида ҳар бир лойиҳа янги товарларни ишлаб чиқаришдан манфаатдор бўлган, ўзининг аниқ истемолчисига эга бўлди. Масалан, Тошкент давлат аграр университети олимлари фермер ҳўжалиқлари учун мўлжалланган роторли дон майдалаш машинасини ишлаб чиқаришга жорий этиш устида иш олиб бормоқдалар. Унинг тажриба намунасини тайёрлаш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда уларга Қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш ва электрификациялаш маркази мутахассислари яқиндан кўмак бермоқда. Тошкент давлат техника университети олимлари томонидан тақлиф этилган вино ва шарбатлар саноати чиқиндиларидан узум унини тайёрлаш технологияси "Паркент биотекс" масъулияти чекланган жамиятида катта қизиқиш уйғотди. Қреп мато-ларининг янги турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида Ўзбекистон табиий толарлар илмий-тадқиқот институти ва "Силк-ВАЦ" хусусий корхонаси мутахассислари бағрида иш олиб бормоқда.

В. РУДАКОВА,
ЎЗА мухбири.

Юртимизда Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган тадбирлар давом этмоқда. Бош кенитимизнинг таровати, муҳташам иншоотлари, гўзал табияти ва сўлим боғлари ҳар қандай кишини мафтун этади. Пойтахтимиз кўчаларида кўплаб сайёҳларни учратиш мумкин. Улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.

ТОШКЕНТНИНГ НУФУЗИ ТОБОРА ОШАЁТИР

Авикар КАДАМ (Хиндистон):

— Мамлакатингизга ҳар келганимда буюқ ўзгаришлар гувоҳи бўламан. Тошкент — ўз мезморий обидалари, алломалари, ҳушумомала ва меҳмондўст халқи билан дунёни ҳаммаша хайратга солиб келган.


Тошкентнинг 2200 йиллик юбилеи ўз тантаналар билан нишонланганига гувоҳ бўлдим. Шаҳарда амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари таҳсинга сазовор. Айниқса, Тошкент марказида қад ростлаган "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи менда катта таассурот уйғотди. У пойтахтининг чиройий чирой, салобатига салобат қўйиб турибди. Чжао ЦЯНХАЙ (Хитой):

— Ўзбекистонга биринчи келишим. Тасавуридаги билан ҳақиқий Тошкент орасида улкан фарқ бор экан.

Саёхатим жуда мазмунли ўтмоқда. Самарқанд, Хива ва Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўрдим. Гуё ҳаёлот дунёсига сайр қилгандек бўляман. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, инсонпарварлиги, бағрикенглиги мени хайратга солди. Юртингизда турли миллат вакиллари ахил-инок, ҳамжиҳатликда ҳаёт кечираётганини кўриб ҳавасим келди.

Мария РАНА хоним (Испания):

— Тошкентга келишим билан қалбимга байрам шуқуқи инди. Ҳар қадамда байрам нафаси уфуриб турибди.



"Шарқ дарвозаси" деб ном олган Тошкентдаги муҳташам иншоотлар, осмон-ўпар бинолар бунёдкор халқингизнинг юксак салоҳияти, тафаккур қудрати, истеъдод ва маҳоратининг намоёнидир. Бу жаннатмонанд шаҳарга яна келиш ниятидаман.

Ўзбекларга хос гўзал фазилатлар — аҳиллик, меҳр-оқибат ҳамда ажойиб урф-одатлар, миллий анъаналардан дунё ахли ўрнат олса арзийди.

Эркин ТАЙФУР (Туркия):

— Саёхатим кўшалоқ байрам — Ўзбекистон мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкентнинг 2200 йиллик тўли нишонланган кунларга тўғри келганидан жуда хурсанд бўлдим. Шарқнинг маърифат бешиқларидан

бири сифатида доврўқ қозонган пойтахтингизнинг дунё миқёсидаги нуфузи ва обрў-эътибори ошиб бораётди. Ўзбекистоннинг асрлар мобайнида сайқал топган қадим анъана ва урф-одатлари биз учун жуда қадрли.

Бугунги Тошкент сайёҳлар назарида энг ҳушманзара шаҳарлардан бири саналади. Бу ерда қатор замонавий меҳмонхоналар, юқори сифатли хизмат кўрсатувчи ресторан ва қаҳвахоналар, музей ва галереялар ҳамда бошқа кўплаб дам олиш масканларини учратиш мумкин. Юртингизда сайёҳларнинг мазмунли ҳордиқ олиши учун барча шароит мавжуд.

ЎЗА мухбири Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.

Қарор ва ижро

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар ўз самараларини бермоқда. Хусусан, жиноий жазо тизимини эркинлаштиришга доир чора-тадбирлар улкан ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этмоқда. Қонунийликни ҳаққондорликка хос барқарорлик ва кечирилмаслик таъминлашга ўз ифодасини топаётгани инсон манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилмоқда.

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ
АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов тақдирномасига асосан шу йил 28 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши инсонпарварлик таъминлигининг амалдаги яна бир ифодаси бўлди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасида мазкур қарор ижросига бағишланган йилгиликда шулар ҳақида гап борди.

Унда қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилиши зарур чора-тадбирлар юзасидан батафсил маълумот берилди.

Сенатнинг тегишли қўмити

ва комиссиялари депутатлар корпусининг мазкур амнистия акти қўлланилиши ҳақида оқилоллик ҳисобидан амалга оширишда бевосита иштирокини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Йилгиликда мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда зарур ташкилий-ҳуқуқий тадбирларни ўз вақтида амалга ошириши зарурлиги қайд этилди. Жазони ижро этиш жойларидан қайтиши қўйилган шахсларнинг жамиятга мослашиши юзасидан тегишли чоралар қўрилиши лозим.

Бу йўналишдаги вазифалар ижросининг изчил таъминлашига оид чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Н. АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

ДАВОЛАШНИНГ ЯНГИ
ТЕХНОЛОГИЯСИ

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунда сайёримизда ичак касалликлари тобора кўпайиб бормоқда. Бунга санитария-гигиена талабларига тўла риоя этмаслик, тоза ичимлик суви етишмаслиги, экологик омиллар асосий сабаб бўлаётми.


Пойтахтимизда ичак касалликларининг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашнинг янги технологияларига бағишланган таълимий-амалий семинарда ана шу ҳақда гап борди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент врачлар малякисини ошириш институти ҳамда Германиянинг "Solvay Pharma" компаниясининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда педиатр, гастроэнтеролог, гинеколог, хирург, умумий амалиёт ва юқумли касалликлар шифокорлари ҳамда Россиядан келган мутахассислар иштирок этди.

Тошкент врачлар малякисини ошириш институти болалар юқумли касалликлар кафедраси мудири Гулнора Ибодованинг айтишича, мамлакатимиз тиббиёт муассасалари бактериологик, иммунофермент, полимер занжирли реакция сингари замонавий диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозлан-

гани бу хасталикларни даволаш ва олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти ва БМТнинг Болалар ташкилоти (ЮНИСЕФ) томонидан тавсия этилган ичак касалликлари даволашнинг илғор усуллари – антибактериал терапия ва орал регидратациянинг янги технологияларини ўзлаштириш бўйича самарали илмий-амалий изланишлар олиб борилаётми.

Илмий-амалий семинарда ана шу йўналишдаги жаҳон тиббиёти тажрибаси ва мамлакатимиз илм-фанга ютуқлари юзасидан ўзаро фикр алмашишди. Уткир ичак касалликларининг профилактикаси, диагностикаси ва даволашнинг замонавий усуллари, соғлом оналик ва болаликни тарғиб этиш билан боғлиқ долзарб вазифаларга бағишланган маърузалар тингланди.

Б. ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.



Сўров натижалари Ўзбекистон ёшлари Президентимиз Ислам Каримов томонидан ҳаётимизнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган чуқур ислохотларни, шунингдек, навқирон авлоднинг ҳар томонлама камол топиши учун яратилган шароитларни тўла қўллаб-қувватлашни яна бир бор тасдиқлади. Ўтказилган тадқиқот ёшлар жамиятимизнинг билимдон, интилувчан ва ижобий қарашларга эга қатлами эканини намоён этди.

Ёшларнинг ватанпарварлик даражаси эса уларнинг ҳаётида Ватан тушунчаси нечоғли катта аҳамият касб этиши орқали белгиланади. Сўралганларнинг аксарияти (94,4 фоиз) "Дунёда давлатлар кўп, лекин бизнинг Ватанимиз Ўзбекистон ягона

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ:

ЎЗ КУЧИ ВА ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ БИЛАН

Мамлакатимизда амалга оширилган тўб ислохотлар шарафига ёшларнинг ҳаётий интилишлари ва ижтимоий қайфияти қандай? Бу саволга "Ижтимоий фикр" жамоатчили-

лик фикрини ўрганиш маркази томонидан мониторинг тартибида ўтказилган нобатдаги ижтимоий тадқиқот натижалари орқали жавоб олиш мумкин.

на ва бетакор", деб ҳисоблайди.

Сўров натижалари кўп ёшлар меҳнат бозорига, биринчидан, юқори малакали кадрларга эҳтиёж ортиб бораётгани, иккинчидан эса, талабдорлар ўртасидаги рақобат ёш мутахассислар олдида қўйилган талабни ошираётганини яхши англаган ҳолда, уларнинг энг аввало олинган билим даражаси ва сифатига катта эътибор беришини кўрсатди. Бозор муносабатлари шарафига чет тилларни ўрганиш, компьютер саводхонлигининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Мамлакатимиз ёш-

лари бу талабларга жавоб беради. Сўров натижаларига кўра, ахборот технологиялари соҳасида чет тилларни билиш даражаси, айниқса, талабалар орасида нисбатан юқори экани аниқланди.

Сўров натижаларининг қиёсий таҳлили ёшларимизнинг кўпчилиги (80,4 фоиз) келажакда амалга оширадиган ишларини аниқ режалаштириб олганини кўрсатди. Аҳамиятли жиҳати, ёшларимиз бу мақсадларга етиш учун, биринчи гада, ўз кучларига таянадилар ва бу йўлда доим изланиш, чуқур билим олиш, юқори малакали му-

тахассис бўлиб етишиш зарурлигини яхши англайдилар. Уларни кўпроқ иқтисодиёт, тиббиёт, ҳуқуқ, информатика каби соҳалар қизиқтиради. Аксарият ёшларнинг ҳаётида беғамлик ва боқимандалик қайфиятларига ўрин йўқлигига ишончи комил, бу эса мамлакатимиз ёшларининг маънавий етуқлигидан далolat беради.

Тадқиқот натижаларидан кўпчилик йигит-қизларимизга ҳозирги касби, даромади ва меҳнат шарафлари мақбул экани маълум бўлди. Жавоблардан ёшларнинг бизнес, хусусий тадбиркорликка бўлган

қизиқиши катта эканини билиш мумкин. Бу бозор муносабатларига дадил киришиш, жамиятда муносиб ўрин эгаллаш, хусусий секторда банд бўлишга интилиш билан изоҳланади.

Ёшлар инсоннинг маънавий етуқлигидан далolat берувчи асосий фазилатлар сифатида ҳалоллик, миллий анъаналарга ҳурмат, ўз халқи тарихини билиш, юксак миллий ифтихор туйғуси, тоза кўнгиллик, камтаринлик, бағрикенгликни эътироф этиши, экстремизмга салбий муносабатларини билдиради. Уларда миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат ҳисси юқори бўлиб, аксарият ёшлар учун оилага, Ватанга хизмат ва жамиятга фойда келтириш устувор мақсад саналади.

Мухтасар айтганда, "Ўзбекистон ёшлари: ҳаётий қарашлар, маънавий баркамоллик, ижтимоий мақсадлар" мавзuida сўров натижалари ёшларнинг ижтимоий фаоллигини, улар давлат томонидан яратиб берилаётган имконият ва истиқболларни юқори баҳолашини намоён этди. Ёшларимизнинг мустақиллик йилларида юртимизда қўлга қирилган ютуқларни муносиб ҳимоя қилишга, жамиятимизни янада ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий ислохотларда фаол иштирок этишга тайёр эканини кўрсатди.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида ЎЗА мухбири Анна ИВАНОВА тайёрлади.

Саломат бўлинг

Янги А/Н1Н1 гриппи – бу одам гриппи вирусини бўлиб, чўчка организмидан бир қанча генетик ўзгаришларга қалинганлик натижасида келиб чиқади. Вирус янги иммун-биологик хусусиятга эга бўлиб, одам организмнинг ҳимоя тизимини осон енгиб ўтади. Янги грипп автомобиль, темир йўл ва авиатранспортлар тезкор қатновчи ҳисобига қисқа вақт ичида бутун ер шарига тарқалмоқда.



БУ ГРИППДАН ҚАНДАЙ САҚЛАНИШ МУМКИН?

Бу вируснинг чўчкалардан бўлиши, чўчка гўшти ва ундан тайёрланган маҳсулотларнинг ҳавфлиги кўпчиликини ҳавотирга қўймоқда. Гриппнинг бу тури чўчка гўшти ва ундан тайёрланган маҳсулотларга термик ишлов берилганда юкмайди. Лекин хом гўшт нимталланганда бу вируснинг юқиси эҳтимоли бор. Овқат тайёрланганда, қовуриш ва қайнатиш натижасида вирус ҳалок бўлади.

Касаллик асосан йўталганда, аксирганда, умумий идиш ва гигиена воситалари билан фойдаланилганда юқади. Унинг яширин даври бир неча соатдан 7 кунгача,

ўртача 2-3 кун давом этади. Бу грипп ўткир кечувчи касаллик бўлиб, тана ҳароратининг тўсатдан кўтарилиши ва нафас йўлларидаги яллиғланиш билан бошланади. Касаллик белгилари олдий кўринишда намоён бўлади. Чуноткин, тана ҳарорати қўтарилиб, ҳолсизлик ва қашша, йўтал ва аксирини, бурун оқиси ёки битиши, томоқ ва бош оғриши кучайди, мушакларда каттиқ оғриқ пайдо бўлади. Баъзан қайт қилиш ва ич кетиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Кўп ҳолларда у ўпка яллиғланишига олиб келади.

Агар юқоридаги белги-

ларнинг биронтаси кузатилса, дарҳол тиббиёт ходимларига мурожаат қилиш зарур. Касаллик асоратларининг олдини олиш ва тез соғайиш учун биринчи кундан бошлаб беморга ётиш тавсия этилади.

Бемор билан 1 метр оралиқда мулоқотда бўлган ҳар бир инсон гриппни юктириши мумкин. Тиббий докдан никор тақиб юриш касаллик тарқалишини чегаралайди. Бирок, докда никордан тўри фойдаланиш, вақтида алмаштириш ёки совунаб ювиш керак. Барча жамоат жойларида – боғча, мактаб, корхона, транспортларда докда никорлардан фойдала-

ниш лозим. Дезинфекция қилиш учун хлор сақловчи эритмалар – хлорамин, хлорин оҳак ва бошқалар ишлатилади.

Бугунги кунда янги "чўчка грипп"и мамлакат аҳолиси орасида аниқланмаган. Бирок, ҳар бир инсон бу касалликнинг белгилари кузатилганда профилактик чора-тадбирларга риоя қилиши ва зудлик билан шифокорни чақиритиш лозим.

Фарход ТОЖИБОВ,
вилоят давлат санитария-эпидемиология маркази бош шифокори ўринбосари.

Соғлом она – соғлом бола

ЕТТИ ПУШТИ
СЎРАЛМАГАНДА...

– Ойиҳон мен ҳам соғайиб, дугоналарим билан ўйнай оламани? – деди шифохонада бир неча ойдан буён ётган Лобар ойиҳона.

– Қизалоғим, сен албатта соғаясан, ҳали бу кунларни кўрмагандай бўлиб кетасан, – деди онаси кўзларидан ёш билан.

– Катта бўлсам шифокор бўламан, ўзимга ўхшаган бемор болаларга ёрдам бераман, – астагина онасининг қўлоқларига пичирлади у.

– Ниятинга ет болажоним, биз ҳам соғайишнинг ишонамиз, – она меҳр билан қизчасининг юз-кўзларидан ўтди.

Кўзлари паришон, орзулари осмон бу қизча Лола ва Азаматжонларнинг тилаб-тилаб олган ёлғизгина қизчалари. Бир неча йил илгари шошма-шошарлик билан енгилелли ҳою-хавасга берилиб қўрилган оиланинг фарзанди. Лобар туғма юрак хасталиги билан дунёга келди. Шунинг учун у доим шифокорлар назоратида. Унга ҳар доим ҳам чопқиллаб ўйнашга рухсат берилмайди, ортиқча қилиш, кучли ҳаяжон, тўсатдан қувониш мумкин эмас.

Шифокорлар қўриғи-ю, дори-дармонлардан қарчаган қармалокнинг орзуси тезкор соғайиш, тенгшошлари қатори севган машгулотлари билан шугулланиш. Бугун бу оила олдин катта синов. Қизчани жиддий жароҳатли амалиётга қўймоқда.

Афсуски, бундай воқеалар кам бўлса-да, учраб туради. Бунга сабаб аксарият ҳолларда катталарнинг, ота-оналарнинг лояллик ва эътибори эмасмикин?

Мамлакатимизда соғлом оилани шакллантириш, соғлом турмуш тарзини

тарғиб этиш, оилалар, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Жисмонан бақувват, маънавий етук фарзандларни тарбиялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш устувор бўлган юртимизда кенг қўламда амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, Чирчиқ шаҳри ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежидан никоҳдан олдин тиббий қўриқдан ўтиш масалалари ва қўйилган бўйича давра суҳбати ўтказилди. Унда ФХД идораси, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, марказий шифохона мутахассислари, маҳалла маслаҳатчилари, маънавият ва маърифат маркази ходимлари иштирок этдилар.

Суҳбат давомида талабалар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар. Шунингдек, "Иқбол" маҳалласида ҳам қайнона-келин муносабатлари, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг аянчили оқибатларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда никоҳланувчилардан бири иккинчисидан венерик ёки ВИЧ инфекциясига касаллиги борлигини яширган бўлса, эркак ёки аёл никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво аризаси билан судга мурожаат этишлари мумкинлиги тушунтирилди. Шу билан бирга Ўртаб-шимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига алоҳида тўхталиб, янги оила қураётган фуқароларга яратилган имкониятлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Малика ЗОКИРОВА,
Чирчиқ шаҳар ФХД бўлими ходими.

Ўз ишини пухта биладиган молиядаги ҳисобчи йигитимиз эса "меҳмонимиз"ни ҳатто тартиқладик ҳам ўтказмади. Янги ўқитувчи дарсни самарали ўта олмади. Ота-оналарнинг талабига кўра, барча камчиликларини асослаб, уни дарсдан чиқариб юбордим. Қандай қилиб тарих ўқитувчиси она тили ва адабиёт фанидан дарс ўтиши мумкин? Бунинг устига Тожикистонда реинтинг усули қўлланилмасан? Директор ватандошини дарсга қўймаганлигидан даргазаб бўлиб, тарафдорлари ёрдамида жанжал уюштириб, мени жиноий жавобгарликка тортишга ҳаракат қилди. Аммо, мақсадига етолмади. Ҳақиқат қарор топди. Мақбалимизда ишламаган ишчилар номунига пул ёзиб келишди. Мақбалимизда ким "ўт ёқувчи", ким "электр устаси" бўлиб ишлаши сир тутилади. Ўқув даргоҳи туман электр энергиясидан қарздорлиги туфайли қуз ойдан то май ойигача эрталаб ва кечқурун икки соат электр энергияси берилади. Шунга қарамай, электр ўчирилмайдиган вақтда ҳам но-зирил қелиб, жарима солиб, энергияни узиб кетди. Сабаби давлат ажратган шатда қоровул-ни расмийлаштириб қўйишган, иш ҳақини ким олишини сўрай-диган одам йўқ. Вахолоки, қоровул электр энергиясидан фойдаланишга доир маълумотга эга эмас. Натижада чет элдан келтирилган компьютерлар ишлатилмай турибди. Мақбалимизда содир бўлаётган бошқа ноқонуний ишлар хусусида текшириб келадиган одамга айтмаман... Булар қандай ноқонуний ишлар экан, деб Бекобод туманига йўл олдик. Масалалар оидлиги қирғиш мақсадида дастлаб туман халқ таълими бўлими мутахассисларига учраб, мақбалимиз бугунги ахвол, қолаверса, шикоят хатида келтирилган фикрлар ҳақида сўради-у туман халқ таълими бўлимида тайинли гап эшитмади. Тожикистондан келган Равшан Шодиев хусусида эса мутлақо хабарлар йўқ экан. Наҳотки, туман халқ таълими бўлими мақбалимизда ўқувчиларга қимлар, нимадан дарс бе-

ОЧИҚ ДЕРАЗАЛАР
ОРТИДА...

зов шикоят хати билан танишиб, бу ҳақида ўз фикрларини шундай баён этди:

– Мақбалимиз 310 ўринли бўлиб, 2008 йили капитал таъмирдан чиққан. Уша йили она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Гулчехра Эшонкулова турғуқ таътилга чиқиб кетганлиги боис тожикистонлик Равшан Шодиев 4 сентябрдан вақтинча ишга олишга мажбур бўлганлиги. Тўғри, у тарих фани ўқитувчиси эди.

– Равшан Шодиев ишга қабул қилинганда паспорт тизими тартибини бузиб, туманда яшаётган экан. Бунга қандай изоҳлайсиз? Боз устига, дипломи ҳам настирификация қилинмаган?

Фарход Азизов ўзининг ҳақиқини исботлаш учун қўлимизга Равшан Шодиевнинг настирификациядан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномадан нусхасини тўтқизди. Қизик, шикоят хатида Шодиевнинг дипломи настирификация қилинмаганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бу ҳужжат қаердан пайдо бўлди, деб кўз югуртирдик. Гувоҳномада давлат тест маркази бошқармаси бошлигининг имзоси ҳамда рўйхатдан

Бир шикоят изидан

ўтказиш рақами йўқ эди. Табиийки, ушбу гувоҳномадан ҳақиқий эканлиги бизда шубҳа уйғотди.

Мақбалимиз носоғлом муҳит қулайлиги шундоқкина сезилиб турарди. Биз ўшбу шикоят хати бўйича педагогик кенгаш аъзоларининг фикрини билишга қизиқдик. Лекин афсуски, улардан тайинли фикр чиқмади. Дардан сўнг барча ўқитувчиларни йиғишга мажбур бўлдик. Бўлиб ўтган йилгишда туман халқ таъ-

лими бўлими услубчиси Бегимкул Худойкулов шикоят хатини ўқиб эшиттирдик. Йилгилиш тугаган, маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Шарофат Абдурахимова билан алоҳида учрашдик.

– Нафақага чиқишимга бор-йўғи кири йил қолди, – деди у. – Директорни ёқмай десам, Сатторовдан қўрмаман...

– Аризада шикоятда ёзилмаган бошқа камчиликларни ҳам тўқиб солди. Маълум бўлишча, 2008 йили мақбалимиз 58 диаметрлик (500 331 сўм) "Фотон" телевизион ҳамда видеомагнитофон (416 802 сўм), шунингдек, компьютер (2 924 770 сўм) ва принтер (259 204 сўм) берилган. Лекин биз мақбалимизда на телевизион, на видеомагнитофонни, на компьютерни кўрмадик. Улар қаердалигини суриштирдик. Бироз фурсат ўтгач, мақбалимиз мудири Абдуҳаким Нурматов ўқитувчи ва ўқувчилар ёрдамида ўз уйдан юқорида кўрсатилган техникаларни олиб чиқди. Бу жараён танафус пайтига тўғри келгани боис, ҳамма ўқувчилар

пайтада носоз бўлгани боис, ушбу кўрсатишга мажбур бўлганлар. Демак, уста ҳали ҳам "тузатиб" беролмабди-да. Энг қизиги – директор ушбу техник жиҳозларнинг ҳужжатларини кўрсата олмади.

Хуллас, мақбалимиз бундай чалқашликларга жавоб топиш учун ҳали ҳийла тер тўқилмаганга ўхшайди. Бунинг беш сабаблари бепарволик, ўзибўларчилик, носоғлом муҳит.

Шу кунги туман халқ таълими бўлими мудири вазифасини бажарувчи Сулаймон Азизов билан учрашдик. У киши ҳам мақбалимизда бу ноқонуний хатти-ҳаракатларга на изоҳ бера олди, на бирор жўяли фикр айта олди. Мақбалимизга носоғлом муҳитнинг шаклланишига нима сабаб? Туман халқ таълими бўлими билан мақбалимиз ўртасидаги ҳамжиҳатлик қаерда қолди? 2003 йилдан бери халқ таълими бўлимида тўртта раҳбар алмашган. Азизов эса ҳали лавозимга тўла тайинлангани йўқ. Раҳбарларнинг қўшимчилиги, кадрларнинг малакасизлиги тумандаги таълим тизимига ўз таъсирини ўтказмади.

микан?

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, "2004-2009 йилларда мақбалимизнинг ривожлантириш давлат умуммиллий дастури" ҳамда "2008-2012 йилларда ўзбекистон таълим тизимини мазмунан модернизациялаш ва таълим-тарбия самарадорлигини янги сифат даражасига кўтариш бўйича чора-тадбирлар дастури"да белгиланган вазифаларнинг бажарилишига бағишланган виллоят август кенгашида ҳам Бекобод туман халқ таълими бўлими алоҳида тилга олинган бежиз эмас экан. Ўқув йилининг биринчи ярмида виллоят бўйича 3475 педагог ходимнинг малакасини ошириш белгиланган бўлиб, бу режа бор-йўғи 36,3 фоиз уудалланган, холос.

Шаҳар ва туманлар таълим тизимидagi рейтингнинг уч йиллик таҳлилида ҳам туман кўрсаткичи жуда паст. Йил ўқитувчиси қўриқ танлови, малака ошириш режаси, олий ўқув юртларига қабул мониторинг қилинганда, Бекобод туман халқ таълими бўлими саккизинчи ўриндан ўн ўнқизинчи ўринга тушиб қолган. Бу борада ҳам туман бошқаларга нисбатан анча орқадан эканлиги кўриниб турибди.

Таълим тизимига педагог кадрларнинг савиясини яхшилашга катта эътибор қаратилаётган бир пайтда Бекобод туманида ўқитувчиларнинг 40,3 фоизи ўрта махсус маълумотга эга. Жумладан, 10-умумтаълим мактабидан дарс бераётган ўттиз етти ўқитувчидан 12 нафари ўрта махсус маълумотга эга эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз.

Ўртаб-шимиз "...маънавиятни йўқотамиз, ўзимиз ва ўзгилгимизни йўқотамиз. Маънавиятни юксалтирсак, ўз мурод-мақсадимизга етишга куч, мадад толамиз", деб таъкидлаган. Маънавий тарбия маркази бўлган мақбалимиз энг улғу даргоҳ. Бу ерда эл-юртнинг келажиги бўлиши алоҳида таъкидлаб топади. Шундай экан, мақбалимизда ўқитувчи шаънига доғ туширилишига асло йўл қўйиб бўлмайди.

Улғубек ҲАМРОКУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Корхона, ташкилот раҳбарлари, тадбиркорлар, шахримиз ва виллоятимиз аҳолиси диққатига!
"Ўзбекистон почтаси" очиқ акционерлик жамиятининг Тошкент филиали Ўзбекистон Республикаси ва Ҳамдўстлик мамлакатларида чоп этилаётган матбуот нашрлари (газета ва журналлари) 2010 йил учун обуна очилганлигини маълум қилади.

Ҳурматли обуначилар! Биз сиз обуна бўлган газета ва журналларни ўз вақтида ва тез етказиб беришга қафолат берамиз.

Обуна Тошкент филиалининг шаҳар ва туман почта алоқа тармоғининг барча бўлимларида қабул қилинади.

Бизнинг телефонимиз: 250-90-55
Туман ва шаҳар почта алоқа тармоқлари, телефон рақамлари

т/р	Почта алоқа тармоғи	Коди	Обуна бўлими
111	Зангиота	8-370-97	52-789
112	Оққўрғон	8-370-55	21-464
113	Дўстобод	8-370-56	72-605
114	Бўқа	8-370-57	36-753
114-а	Паркент	8-370-72	22-188
115	Пискент	8-370-54	51-743
116	Янгибозор	8-370-98	31-138
117	Қиёрай	8-370-95	61-322
118	Ғазалкент	8-370-74	22-226
119	Той-тепа	8-370-76	2

БОКС

ВАКИЛЛАРИМИЗ ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Жорий йилнинг 1-12 сентябрь кунлари Италиянинг Милан шаҳрида бокс бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида биттадан олтин ва кумуш, иккита бронза медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллаган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари мамлакатимизга ёруғ юз билан қайтди.

Тошкент халқаро аэропортида ғолиб спортчиларимизни тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, спорт жамоатчилиги, оммавий ахборот воситалари ходимлари, мухлислар кутиб олди.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортни, жумладан, боксни ривожлантиришга қара-

да рингга чиққан ҳамюртларимиз Ўзбекистон бокс юқори даражада тараққий этган мамлакатлардан эканини яна бир қарра исботладилар. 75 килограмм вази тоифасида Аббос Атоев барча рақибларини мағлубиятга урариб, иккинчи маротаба жаҳон чемпиони бўлди. Терма жамоамиз сардори Элшод Расулов кумуш, Афина Олимпиадаси совриндори Баходир Султонов ва ёш боксчи Ботир Маҳмудов бронза медал билан тақдирланди.

ЎЗА.

Таббиёт

янгиликлар

ТОВОҚ... ЯНА ШУБҲА ОСТИДА

Америка олимлари шуни тасдиқладиларки, рўзғорда ишлатиладиган бир қатор кимёвий воситалар аёлларни белуштлиққа олиб келиши мумкин экан. Масалан, перфторуглерод моддалари овқатларни қадоқлашда, товоқларнинг бир хил турларини, кийим-кечакларни, гиламларни ва бошқа уй-рўзгор идишларини тайёрлашда қўлланилади. У илгари зарарсиз деб ҳисобланган. Лекин Калифорниядаги мутахассислар улар билан аёллар белуштлиги орасида боғлиқлик бор, деган хулосага келишди. Бундай далиллар Дания мамлакатига 1240 та аёл тулки текширилгандан сўнг маълум бўлди. Уларнинг қонидagi углеводларни мунтазам текшириш натижасида шундай хулосага келинди.

Шунингдек, перфторуглеродлар билан бевосита ишлаган аёлларнинг кўпчилиги соғлиғидан шикоят қилишган. Бу ҳам ушбу кимёвий модда гормонларга таъсир этишдан далолат беради.

ДОРИ КЕРАКСИЗ ХОТИРАНИ ЎЧИРАДИ

Голланд олимлари одамларнинг ёмон хотираларини йўқотадиган дори ишлаб чиқишди. Шу тарихи юз миллионлаб руҳий азоб чекаётган одамларга ёрдам бериш имконияти яратилди. Бунга оғир депрессияга учраган беморлар ҳам қиради.

Олимлар 2008-2009 йилларда бу янги дориини ҳошловчиларда синаб кўришди ва унинг мўъжизали хусусиятга эга эканлигини аниқлашди. Бу дори одамнинг бош миёсидagi ёмон хотираларни ўчириб ташлайди ёки тўсиб қўяди. Кейинчалик бундай ахборотларни олган блоклар йўқ қилинади. У илгарироқ юрак касаллиқларини даволашда қўлланилган эди. Шунга қарамай, унинг бошқа хилидан юқоридаги мақсадларга эришиш учун қўлланилади.

Тоҳир ИБРОХИМОВ тайёрлади.

Маданият



КЎРГАЗМАДАН СПЕКТАКЛАГА

Юртимизнинг энг кекса ва навқирон маданият масканларидан бири – Ёш томошабинлар театри ўзининг навбатдаги мавсумини бошлади. Эрта тонгдан болажонлар, ўқувчиларнинг шўх-шодон кулгуларига тўлган театр ҳовлисида бутун жамоа аъзолари бошқа театрлардан келган меҳмонларни ҳам кучоқ очиб кутиб олишди. Дастлаб, ёш томошабинларга масхарабозлар ўйини, "Ульбка" студияси артистлари ва талабалар ижросидаги концерт дастури намойиш этилди.

Рассом Бобониёз Қурбоннинг байрамона безатилган театр фойсидасидаги шахсий кўргазмасини меҳмонлар қизиқиб томоша қилишди. Болажонларнинг сеvimли эртаги "Зумрад ва Қиммат" асосида ёш режиссёр Бахтиёр Фозилов саҳналаштирган спектакль томошабинларга, айниқса, манзур бўлди. Узгача талқинда, замонавий, янги персонажлар, аjoyиб кўшак ва рақслар билан бойитилган спектакль қаҳрамонлари ўз чиқишларида яхшилик ҳаммиса ғолиб, эзгулик бахт келтиришига мухлисларни ишонтира олишди. Томоша якунидаги оқ-қизлар, гуллар, давомли қарсақлар актёрлар меҳнатига берилган муносиб баҳо бўлди. Театрнинг адабий бўлими бошлиғи Наргиза Маҳмадова ҳар бир жамоада бўладиган қувончу ташвишлар, режа-

лар ҳақида сўзлаб шундай деди:

– Ўзбек саҳна санъатининг қалдирғоч театрларидан бири бўлган Ёш томошабинлар театри нафақат республикамизда, балки чет элларда ҳам ўз мухлисларига эга. Бу даргоҳда узок йиллар меҳнат қилган ўз касбининг усталари бугун элимизнинг сеvimли, ардоқли актёрлари сифатида эътироф этилади. Ҳозир уларнинг ишини давом эттираётган ёш, умидли, иқтидорли актёрларимиз кўп. Жамоамиз мустақиллик йилларида ижодий фаолиятини замон талаблари, истиқлол голярига садоқатли ёш томошабин савиясига мос ҳолда олиб бориш учун тинмай изланмоқда, репертуарини бадий етук, жанр жиҳатидан ранг-баранг саҳна асарлари билан бойитмоқда. Сеvimли шоиримиз Фафур

Ҳуломнинг "Шум бола" асари асосида "Халфана" мусикий спектакли, "Зумрад ва Қиммат", Г. Андерсеннинг "Қор маликаси", болгар драматурги П. Панчевнинг "Тўрт эгизак" каби асарлари саҳналаштирилди.

Шуни алоҳида таъкидламоқчимки, жамоамиз янги мавсумни кўтаринки руҳда бошламоқда. Бу бежиз эмас. Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида театримиз раҳбари Олимжон Салимов "Фидокорона меҳнатлари учун" ордени билан мукофотланди. Ҳукумати-мизнинг бу эътибори бизни янада жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишга ундайди.

Бу йилги мавсумда немис эртакчиси В. Гауфнинг "Кичкинтой Мук", Е. Шварцнинг "Қизил Шапкача" ва энг эзгу орзуимиз В. Шекспирнинг "Ромео ва Жульетта" сини саҳналаштирмоқчимиз. Албатта, ҳар қандай саяёҳаракат моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаб турилса, кўтилган натижани беради. Умидларимиз йўқ эмас...

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Ай, айланайлар, суриштириб билдим, дунёда Кипчок деган гўша кўп экан. Бир – Қибрайда. Чирчиқнинг ўнг соҳилида ястаниб ётибди. Ҳозир бу қишлоқни юртимиздан ташқарида ҳам яхши билишди.

Нимаси билан танилган дейсизми? Оқини билан. Қулмахон дейдилар уни. Булбулгўёнинг ўзи. Қўлига дўмбрасини олса, сози қушдек сайрайди, тинглаб кўнгил яйрайди. Сел бўласиз, жўшасиз. Чунки ўзи ҳам ёниб, жўшадими. Қулмахон айтишни бошласами, ҳамма нафас ютади, ҳозир нима деркин, дея интиқ кутади. Қутганининг мукофотини олади. Теша тегмаган сўзни, ҳикматлару ўзингиз айтолмай юрган гапларни тўкиб солади, азамат. Сўзи қочиримли, оҳанги чашмадек сержило унинг.

Қулмахон шеърни ҳам, оҳангни ҳам қўйлаб туриб, йўл-йўлакай тўкиб кетаверади. Бундай идрок, бундай қобилият жуда нодир.

Ай, мен бир гапни айтмай, сиз фахр этинг: жаҳонда қозоқ халқларининг оқини кўп. Бироқ орасида иккита ёрқин юлдуз бор. Қаранг, шу икки юлдуз ҳам Қибрайдан. Бир – Мекембой ога Умаров. Иккинчиси у кишининг шоғирди – Қулмахон. Иккови бўлган давраларда соврин фақат уларга тегади. Ҳозир Мекембой ога соғлиғи туфайли айтишувларда фақат томошабин сифатида иштирок этмоқда. Аммо, шоғирди улоқни бермапти. Бир неча ўн йилдан бери бахиллар, оқинлар айтишувларда қатнашиб келмоқда. Шу пайтгача бирор марта ҳам даврдан бошини эгиб қичиб кетган эмас. Асосан биринчи, йўқса, камида иккинчи-учинчи ўринни эгаллаган.

Айтишувларда ғолиб чиққанида шартта қўлига машинанинг қалитини топшириб кетганлар ҳам бўлган. Бу ўзбек заминидан яшаб, ижод этаётган оқинга тан беришгандарнинг ёрқин исботи.

Қулмахоннинг айтимлари латиф, мутуйбага бой. Одатда айтишувда икки оқин бири-бирига муҳолиф бўлиб ўртага

ўрол оқин саккиз соат дам олмасдан "Аппомиш" достонини қўйлади. Ҳеч ким қилт этмади. Шу-шу уйқум қочди, ҳаловатим йўқолди. Дилимга оқин бўлиш ишқи тушди. Дўстимнинг дўмбрасини сураб олиб, машқ қила бошладим. Мустақил чалишни ўргандим. Ўзимни дастлаб маҳалламизда ўтадиган тўйларда, бади-

нинг 2200 йиллигига бағишлаб яна бир халқаро танлов ўтди. Биринчи бўлиб саҳнага чиқиб чеки Қулмахонга тушса бўлади-ми?! Биринчи бўлиш ҳаммиса қийин. Чунки бошқалар сенинг қадаминга қараб қадам олишди, сендан ўзиб кетишга интилишди. Бунинг устига унга Карима Уролоовадек юксак истеъдодли, машхур оқин рўпара келди. Карима ҳам бирор марта енгилмаган. Қулмахон бу гал ҳам ўзининг қўйма термалари билан зални махлиё этди-қўйди:

Чорвоқ тўлқинларин
тўсиб турибман,
Бобо юрт меҳрини
сочиб турибман.
Биринчи бўлиб чиқдим
ушбу айтишга,
Демангки, тўлқинларин,
тошиб турибман.
Мендан ортиқ бахтли
одам бормикин,
Айтишнинг оқ пардасин
очиб турибман.

Зал қалқиди. Бўлди олқиш. Бўлди қарсақ. Сезганлар дарров айтишди: "Бўлди, улоқ яна Қулмахонда кетди!"

Шундай бўлди ҳам. Қулмахон Дуйсенов галабани Ўзбекистонда олиб қолди. Қадрдон қишлоғи Кипчоққа чўнг қувонч билан қайтди.

Хуллас, шунақа гаплар, ўргилайлар. Боя айтди-ку, дунёда Кипчок деган гўша сероб экан. Лекин уларнинг Қулмахондек зўр оқини йўқда. Шуниси билан фахр этсак арзийди. Унинг умри қуйга, айтишувга йўғрилган. Қайга борса, қайси саҳнага чиқса, ўз сози ва қувва ҳофизаси билан аввало киндик қони томган юрти – Ўзбекистонни шарафламодда, шаънини юксалтирмоқда, довруғига довруғ қўшмоқда.

Шоюсуф МИРЮСУФЗОДА.

Бу – қизик

ТЮЛЕНЛАРГА
«ХУЖУМ»

Қанада ҳукуматининг қарорига кўра, бир йилда 350 мингтагача тюленни отишга рухсат берилди.

Тюленларнинг кўпайиб боришини назорат қиладиган ташкилот вакиллари жониворлар айни пайтда ҳақдан зиёд кўпайиб бораётганини таъкидлашди. Бу эса Қанада соҳилларида овланадиган балиқлар ҳажми кескин камайиб кетишига олиб келган.

Қанаданинг океан ресурслари ва балиқ овлаш департаменти маълумотларига қараганда, 1970 йилга нисбатан тюленлар қарийб 4 баравар кўпайиб, тахминан 5 миллиондан ошиб кетган.

Файзулла АБДУЛЛАЕВ.

ОНАЖОН

(Дола аяга фарзанди Абдордан)

Волидам, Сиз менинг жону жаҳоним,
Ҳаётим мазмуни, умрим беэга
Сизла обод менинг кўнглим, маконим
Бошқа бахтнинг менга йўқдир кераги.

Ёнингизда бўлсам ҳам ёки йироқда,
Ҳамиша қалбимда бир тилак, бир сас –
Яратгандан интиқ сўрайман доим,
Фарзандлик бурчимни оқлай олсам бас.

Онажон, Сиз кўрган машаққатларни
Тоғ ҳам кўтаролмай, сочилар, қулар.
Матонат нелигин, сабру эътиқод,
Сиздан, мунисгинам, ўрганса бўлар.

Керакмас менга шон, на тожу давлат,
Навқирон, ёшлиғу туганмас бойлик.
Соғ-омон юрсангиз, ўтса ҳамки вақт,
Шунинг ўзи менга абадий шодлик.

Жисмим омон экан, қалбим, қаламим,
Васфингиз онажон мудом қўйлағай.
Нурдай пок қўнғингиз сизлаган бошим
Пойингизда абад таъзимда бўлғай...

Шухратжон УМИРОВ.

Утерянный аттестат U № 1012518, выданный 24.06.04 г. средней школой № 8 г. Чирчика Ташкентской области на имя Валеева Равшана Абдуллаевича,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утерянный аттестат O'R-B 0095934, выданный 25.06.01 г. средней школой № 8 г. Чирчика Ташкентской области на имя Велиулаева Ислама Сейрановича,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ООО "ТЕХЛИН" Учтепинского района г. Ташкента (ИНН 202300893) сообщает об уменьшении уставного фонда с 25 407 454 сумов до 20 600 000 сум.
Претензии принимаются по тел.: 742-52-57.

Утерянный план БТИ на квартиру, расположенный по адресу: Мирзо-Улугбекский район, ТТЗ-2, дом 10 кв. 58 на имя Гафуровой Рахмис Сайдиллаевны,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорлиги қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси ҳамда Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси жамоаси ҳудудий бошқарма бошлиғининг уринбосари Камолиддин Тоирбековга волидаи муҳтарамаси **МАЙРАМ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Рассом ханааси



Изоҳга ҳолат йўқ.

Осимхон ВОСИХОНОВ чизган расм.

Одамийлик шеваси

ТИЛ ЮГУРИГИ...

Кўшнингнинг бетоблигини эшитиб, хабар олгани кирсам, ичкаридан 6-7 ёшлардаги қизчаси ўқдай отилиб чиқди. Қўзлариди ёш, қўрқувдан дағ-дағ титрайди. Орқасидан таёк билан қувиб келаётган аёлнинг вазоҳатидан от хуркади.

– Бу падарингга лаънатларни ҳеч одам қилиб бўлмади-бўлмади, – жавра кетди қўшнинг. – Ошхонанинг эшигини ёпиб юларинг дегандим, яна очик қолдирдинг. Мушук ўлгур музонадаги гўштни еб кетибди. Ер ютуларлар ўз ризқини ўзи қилди-да, шундай қилиб. Каттаси бўлса дарахтга чиқаман, деб оёғини синдириб олди. Бузоғига ўт солиш ҳам ўзимга қолиб кетди. Аслида отасининг айтганига кириб, таътилда икковини ҳам оромгоҳга жўнатворсам бўларкан. Бундай бўлишини қаёқдан билмай...

– Қўшнинг, ўзингиз-

ни босинг, асабийлашаворманг. Сизни касал деб эшитиб...

– Буларнинг дастидан касал бўлишга ҳам ҳаққим йўқ. Булар мени ўлдирди-ю, қутулади.

– Қўйсангиз-чи, гўшт ўлгур болангизнинг бошқўзидан айлансан, одамдан азиз бўлибдими? Қолаверса, ўша гўшт мушукнинг насибаси бўлганда.

– Ўзи бир бўлаккина эди. Отаси жўнмарг жарақ-жарақ топиб келатган бўлса қошқийди, – қўшнингнинг яна жағи очилди.

Хуллас, Фазилатхонни-кига нима учун чиққанам ҳам ёдимдан кўтарилиб, уни юпата-юпата ортимга қайтдим.

– Вой, айланай, ўзим билан ўзим овра бўлиб, сизга уйга кириб, де-йишни ҳам унутибман, – деди қўшнинг кетар чоғимда.

Е, тавба! Айланай де-

ган сўз ҳам шу оғиздан чиққидими? Фазилатхон яхши сўзларни ҳам биларкан-а!

Уйлаб қоламан, нима учун баъзи аёллар хаётдан фақат қолишадилар. Сабр-қаноат, шукр қилиш йўқ. Оғзидан боди кириб, шоди чиқади, уялишмайди ҳам. Бундай аёлларнинг фелъ-атвори фарзандлар тарбиясига қандай таъсир қилади? Аслида-ку, болалар таътилда оромгоҳда дам олганларида оналаридан олаётган ҳозирги "тарбия"дан қўрқиб нараса ўрғанадилар. Болалар она меҳрига қониб эмас, балки ундан беэиқ улғайишса, вақти келиб, ўша она ўз жигаргўшасидан қандай мурувват кўради. Саломга яраша алик ёки қайтар дунё бўлишдан ўша бағритош она суғурталанмаган-ку, ахир.

Аллома АЗИЗОВА, Тошкент тумани.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълолар: 236-55-03,
236-53-54.

Манзилими:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2006 йил 18 декабрда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Хуришда НАЗАРОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАХМУДУЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Нашр индекси – 205.

Буюртма Г-840. Адади 4341.

Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

ISSN 2010-9318.

Белгилли материаллар – тижорат материаллари.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмохонасида босилди.

Қорхона манзили: "Буюк Тўроқ" кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.15.

2 3 4 5